ЗООЛОГИЯНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Шукурулло Мардонов
Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

Мавлон Бекмирзаев
Жиззах давлат педагогика институти тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мақола зоологияни ўқитиш жараёнида инновацион технологияларни қўллашнинг афзалликлари ҳамда уларнинг ўқувчиларга яратиадиган имкониятлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: ўқув фаолияти, усуллар, ўқув топшириғи, билим, кўникма ва малакалар, инновацион тизим.

INTRODUCTION OF AN INNOVATIVE SYSTEM OF TEACHING ZOOLOGY

Shukurullo Mardonov
Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

Mavlon Bekmirzaev
Researcher of Jizzakh State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article shows the advantages of using innovative technologies in the teaching of Zoology and the opportunities they create for students.

Keywords: learning activities, methods, learning task, knowledge, skills and competencies, innovative system.

КИРИШ

Тажрибанинг якуний босқичида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўқувчиларнинг таълим фаолияти даражаси ташхис қилинди. Натижалар тажриба гуруҳдаги фаолият назорат гуруҳи билан таққослаганда сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. Бундай натижалар тажриба субъект-ларининг универсал

ўқув фаолияти малакалари ҳамда уларнинг шахсий сифатлари ўсганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқот маълумотлари белгиланган мезон кўрсаткичларга мувофиқ таълим кўрсаткичларининг қуйидаги педагогик шарт-шароитлар асосида ортишини кўрсатди:

1) ўқувчи, талабаларни ҳайвонот дунёсини ўрганишда фаол мустақил фаолятга жалб қилиш;

2) турли хил ҳайвон турлари билан танишишда атрофдаги ҳаётдан, Ўзбекистон табиатидан олинган намуналар ва мисоллар билан таққослаш;

3) зоология курси бўйича ўқувчиларни қизиқтирган саволларга алоҳида эътибор қаратиш ва жавоб топишларига шароит яратиш.

Педагогик технологиялар мажмуаси тажриба-синовда самарадор натижалар кўрсатди:

- синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришга эришилди;
- материални ўзлаштириш нафақат, билиш ва тушуниш, балки қўллаш, таҳлил қилиш, синтез ва ўзини баҳолай олиш даражасига етказилди;
- ўқувчилар фаолияти ижодкорлик унсурлари билан янада тушунарли, самарадор фаолиятга айланди;
- ишончли моделни ишлаб чиқиш орқали ўқитувчиларнинг фаолияти фаолликка, шахсни ривожлантиришга йўналтирилган технологиялардан фойдаланиш асосида ҳар томонлама чуқур ўйлаб дарс ишланмасини яратиш-га эътибор қаратиш имконини берди;
- ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятида аниқлик ва ошкоралик таъминланди;
- ишлаб чиқилган модель Давлат стандартининг талабларини бажаришга ва “Зоология” фанининг мақсадлари билан назарий билимлар ва амалий фаолиятларнинг органик бирлигига эришишга имкон берди;
- ўқувчиларнинг фаолияти рағбатлантиришга, ижобий эҳтиёжларни шакллантиришга йўналтирилган кўринишга эга бўлди;
- ҳозирда ҳам мавжуд монологик методдан ривожлантирувчи ўқитишга ўтиш амалга оширилди;
- ўқувчилар ўртасида ўзаро алоқалар яхшиланди;
- талабалар турли хил ахборот ресурслари, уларнинг турли шакллари билан ишлашни ўргандилар;

- ҳамкорлик малакалари шаклланди;
- билиш ва мулоқот қилиш фаолияти ривожланди;
- ўқувчиларнинг ҳаёти давомида зоологик ва умумий таълимнинг асоси сифатида билимга бўлган эҳтиёжи ўсиб борди;
- дарсда психологик микроиқлим яхшиланди;
- ўқувчиларнинг янги турдаги фаолият ва шахсий фазилатларини шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратилди;
- ўқувчилар педагогик технологиялар ва улардан доимий фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида мустақил хулоса чиқардилар;
- жадвал ва чизмалар, уларда жойлаштирилган сабаб-ҳодиса алоқаларини тузиш мантиқини тушуниш билан биргаликда ўқиш малакаси ривожланди;
- ўқувчилар ўрганилаётган материаллар бўйича мустақил равишда чизма ва моделларни яратишга муваффақ бўлишди.

Ўқитувчиларнинг фикрига кўра, инновацион технологиялар комплексининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларга мустаҳкам ва тушунарли билимларга эга бўлиш имконини беради;
- ўқув фаолиятида мустақилликни ривожлантиради;
- дарсда ўқув материалларини муҳокама қилиш вақтини кўпайтиради;
- ижобий ҳиссий муносабат яратади, нотўғри жавоблардан қўрқишни йўқотиш, ишонч ҳиссини беради;
- ўзаро мулоқот маданияти ўсиб боради;
- келгусида таълим олиш мотивацияси рағбатлантирилади;
- ўқувчининг ўзига баҳо бериши ўсади;
- ўқувчи ва ўқитувчининг психологик танглиги йўқотилади.

Инновацион фаолият ўқитувчига қуйидаги имкониятларни беради:

- касбий ривожланиш;
- ҳиссий мувозанат;
- ўз-ўзини ривожлантириш имкониятлари;
- дифференцияланган таълимни ташкил қилиш;
- ўқув натижаларини прогнозлаштириш;
- таълим натижаларини эрта ташхислаш ва тузатиш.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Мустаҳкам билимларни шакллантиришнинг энг самарали воситасини танлаш вазифаси қуйидаги тарзда ҳал қилинди: ривожланишнинг етакчи (устувор) воситалари сифатида ўзини баҳолаш ва амалиёт, коммуникатив ва

рефлексив қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган ўқув машқлари, ўқув-тадқиқот вазифалари, муҳокамалар ва бошқалар кабилар танланди.

Ижобий ўзгаришлар. Инновацион технологияларни синовдан ўтказиш натижасида педагогик ғоялар банки, турли инновацион технологиялардан фойдаланиб тузилган дарс ишланмалари тўпланди. Ўқитувчилар ўқитишнинг янги шаклига ўтишларида мактаб методбирлашмалари ва услубий бирлашмалар томонидан тўпланган методик ишланмалар ва уларга шарҳлардан фойдаланилишлари мумкин. Ҳар бир технология бўйича тақдимотлар ўтказилди, амалга ошириш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- тадқиқотда кўрсатилган диагностика тизими ўқитувчиларга ўқувчиларнинг билим олиш даражасини қайд этиш имконини берди, бу эса ўз навбатида ўқувчиларни муаммоли ўқув машқларини ечиш мақсадини амалга оширишга йўналтиради;

- ўқитувчилар муаммоли вазифаларни шакллантириш ва ечимини топишда ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллштиришга муваффақ бўлишди;

- комплекс ёндашув имкониятлари интеллектуал, изланиш ва тадқиқотларни, қадриятга йўналтирилган, ижодий ва коммуникатив қобилиятларини шакллантиришда янада самарали фойдаланилди.

ХУЛОСА

Тажриба-синов ишларининг натижасида ўқувчиларнинг билим олишда фаоллашуви қуйидаги талабларга жавоб бериши кераклигини кўрсатди:

- ўқув машқлари биринчи навбатда интеграциялашган асосда тузилиши ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга асосланган шахснинг руҳий хусусиятларини ривожлантиришга хизмат қилмоғи лозим;

- топшириқлар муайян кетма-кетликда танланиши керак: репродуктив, қисман қидирув, ижодий;

- ўқив топшириқлар тизими фикрлашнинг фаоллигии, онгнинг мослашувчанлиги, хулосанинг ўзига хослиги, қизиқувчанлик каби ижодий қобилиятларни шаклланишига олиб келиши керак.

Мотивацион мезонларга мувофиқ ҳар бир таркибий қисмнинг мазмунига киритилган сифатларнинг батафсил таърифи қуйидаги сифат кўрсаткичларининг ўсишига олиб келди:

- фан мақсад ва вазифаларининг фаолиятга йўналтирилганлиги;

- табиий табиат шароитида олинган маълумот ва таассуротлар орқали фанга қизиқишнинг ортиши;

- мактаб ўқувчиларининг зоологияни ўрганиш мотивациясини ошириш, зоология таълимининг шахсий, умуммаданий, ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик ривожланишдаги аҳамиятини тушуниш;

- тадқиқот, муаммоли ва ижодий топшириқлар, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўқув (уй вазифаси, мустақил иш) фаолиятини ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш.

REFERENCES

1. Дудченко В.С. Основы инновационной методологии.-М.: На Воробьевых, 1996.- 68 с.
2. Загвязинский В. И. Педагогическое творчество учителя. -М.: Педагогика, 1987. - 160 с.
3. Зоология - наука о животных http://shkolo.ru/zoologiya-nauka-o-zhivotnyih/
4. Иванова Е.В. Инновационные технологии обучения биологии в современной школе Электронный журнал «Экстернат РФ» 2013.
5. Каинова Э.Б. Критерии качества образования: основные характеристики и способы измерения. М: АПКиППРО, 2005. - 80 с.
6. Калмыкова Н. В., Петряева С. Ф. Опорный конспект как один из способов представления учебной информации // Молодой ученый. - 2015. - №11.1. - С. 53-58.
7. Кашлев С.С. Технология интерактивного обучения. / С.С.
8. Кларин М.В. Личностная ориентация в непрерывном образовании / М. В. Кларин // Педагогика. 1996. -№ 2. - С. 14.
9. Мавланов О. “Зоология” Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик – Т.: Ўзбекистон МЭ, 2017. – 208 с.
10. Мажитова Ш.Н. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий инноватсион технологиялар // Инноватсион технологиялар шароитида талаба шахсини шакллантириш. Ўқитувчилар ва ўқитувчилар учун дарслик. -Тошкент, 2009. 144-154 б.
11. Мардонов Ш.Қ, Жабборова О.М. Бошланғич таълимда – инновациялар тизими. Мактаб ва ҳаёт. Махсус сон № 1. Тошкент, 2020. -2-3 б.
12. Никишов А.И. Теория и методика обучения биологии. - М.: КолосС, 2007.-304 с.